



Баъзи бир ўртоклар Чўлпонни йиглок, деб айбситадирлар. Балки хақлари ҳам бордир. Чунки, унинг:

Чечаклар ўскуси кўз ёшларимдан

Бўгинлар унгуси ўйлашларимдан... —

деб хасратланиши бизнинг кўз ўнгимизда «йиглок» бир шоирни гавдаландирадир. Бирок, шоир шу тўккан кўз ёшларидан чечаклар ўсдирмокчи бўлмаса эди, биз ҳам унинг муътаризлари каторига кирган бўлар эдик.

Анков таъначилар шоирни ранжитишда мудовамат киладирлар, хатто: «Сен кўк шоири!»

дегучилар ҳам бўлиб, чорасиз шоир уларга ўз холидан очик жавоб беришка мажбур коладир:

Сиз дейсизким, мен кўкларни ўйлаймен, Ер бетига сира назар солмаймен. Янглишасиз: мен кўкларга беркирган Ер кизидан хаёлимни олмаймен!..

Ўктабр ўзгариши кора тунимизнинг тонгини отдирди эса-да, бу мудхиш кечнинг баднамо кўлагалари хамон шоирнинг юрагини титратдилар ва ул чор-ночор йиглади... Шу йиги орасида барк уриб кўринган эрк кўеши бу кўз ёшларидан «чечаклар унгуси»ни сўзлади... Менимча, «Тонг сирлари»да кўрилган кўз ёшларининг сири шудир. Шу киска жумлада ўкугучини бу кунги Чўлпон билан танишдира олган бўлсам ўзимни бахтлиқ санар эдим.

Жулкунбой,

Тошканд, 1925 йил, 6 сентябр.

Абдулла Кодирийдан